

Уларга Аллоҳ кифоя



08:00 / 15.11.2020 1077

Умар ибн Абдулазиз вафотидан олдин касал бўлиб ётганида Маслама ибн Абдулмалик уни кўргани кириб, «Эй мўминларнинг амири, фарзандларингизни одамларга муҳтож ҳолда ташлаб кетмоқдасиз. Уларга мени васий қилинг, ишларига бош бўлай, ахир уларга на мол-давлат қолдирдингиз, на бошқа нарса», деди.

Умар ибн Абдулазиз: «Эй Абу Саъид, болаларимга Китобни нозил қилган Аллоҳ кифоя. У Зот солиҳларни дўст тутуди», деди. Сўнг Умар фарзандларини чақирди. Улар ўн тўртта эди. Уларга бирма-бир қараб чиқди. Улар дағал кийимларда эдилар. Кўзларидан ёш оқиб, уларга шундай деди: «Сизларга васиятим шуки, улуғ Аллоҳга тақво қилинглар. Кичикларингиз катталарингизни ҳурмат қилсин, каттангиз кичикларга раҳм қилсин». Кейин Масламага шундай деди: «Эй Абу Саъид, болаларим икки ҳолатдан бирида бўлади: Аллоҳнинг тоатида бўлишса, Аллоҳ уларни ҳаргиз ташлаб қўймайди. Аллоҳга маъсиятда бўлишса уларга мол билан ёрдам беришни хоҳламайман. Туринглар, болаларим, Аллоҳ сизларни сақласин, тавфиқ берсин».

Кейин Ражо ибн Ҳайвани чақирди. Иккови холи қолгач, деди: «Эй Ражо, ўлим яқинлашиб қолди. Мен сенга ҳеч кимга топширмаган бир ишни топширмоқчиман. Мен ўлсам, мени қабрга қўядиганлардан бири сен бўлгин. Қабрим устига тупроқ тортилиб, ғишт қўйилганда бир ғиштни кўтариб, юзимни очиб қара. Мен ўз қўлларим билан уч кишини қабрга

қўйганман, уларнинг қабрини очиб кўрганимда юзлари қорайиб кетган, кўзлари ўрнидан чиқиб кетган эди. Эй Ражо, юзимни очиб кўр. Агар менинг юзим ҳам қорайган бўлса, буни сир тут, ҳеч кимга айтма. Бундан бошқа нарсани кўрсанг, бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар айт».

Ражо айтади: «Мен Умар ибн Абдулазизнинг буюрганини қилдим. Унинг қабрига ёшт урилгач, бир ёштни олиб, қабрга қарадим. Унинг юзи тўлин ойдек балқиб турар эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан